


КВАДРАТЛАР АНИҚ БЎЛСИН!



Пахтакор ва механизатор ўртоқлар! Ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, чигитни текисланган, яхши ишланган ерларга ўз вақтида соз экиб олайлик, экиш сифатига алоҳида эътибор берайлик!

Гулистон районидagi «Москва» колхозда экиш юксак агро-техника қондалари асосида юнор сифатли ўтказилган. Анорбой Алимов бошлиқ комплекс механизациялашган бригада экишда пешқадамлик қилган. Бригадада ҳозиргача 87 гектар майдоннинг 67 гектарига ивадрат уялаб уруғ ташланди. Суратда (чапда) бригадир А. Алимов ва (ўнгда) чигит экиш пайти.

А. Тураев фотоси.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши.
№ 85 (13.041).

13 АПРЕЛЬ
1965 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ПЕШҚАДАМЛАР

Гектардан 30 центнердан пахта етиштириш учун курашган Навоий районидagi «Нарпай» совхозининг Еркул Бердиев бошлиқ бригадаси 97 гектар майдонда экишни баривақт тавомлашган эди. 50 гектар ердаги чигит текис ушиб чиқди. Райондаги «Коммунизм» колхозда ҳам чигит экиш тугалланай деб қолди.

Р. Ҳамидова,
У. Раҳматулова.

Қорақул районидagi «Партия XXII съезди» колхозининг механизаторлари ҳар куни 90-95 гектар ерга сифатли қилиб чигит экишлар. Ҳозир далада 11 та агрегат ишлаб турибди.

Колхозининг Саид Одиллов бошлиқ бригадасида март ойининг охирида экилган 10 гектар ердаги чигит қийғос ушиб чиқди.

О. Аҳадов.

Оққўрғон районидagi 2-«Оққўрғон» совхозининг ҳамма бўлимларида чигит экиш қизғин борапти. Совхоз пахтакорлари экишни тез ва соз ўтказиш учун курашяптилар.

Т. Худойназаров.

Ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштириб, бошқаларга намуна бўлаётган Мустафо Тошматов бошлиқ бригада аъзолари Иштихон районидagi Қулибеков номида колхозда чигит экишда пешқадамлик қилишлар. 105 гектар майдоннинг ҳаммасига уруғ сифатли экилади.

К. Худойбердиев.

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет фаши ва техникасининг янги талабаси — космонавт учувчилар Павел Иванович Белиев билан Алексей Архипович Леонидович «Восход-2» кемасида буюк парвози ва совет кишининг жаҳонда биринчи марта йўлдош кемасдан космик фазога чиққанлиги муборабати билан марта кўп табрик ва қутловлар олдилар. Давлат, партия, жамоат ташкилотлари, заводлар ва фабрикалар, совхозлар ва колхозларнинг коллективлари, фан, маданият ва маориф арбоблари, мамлакатимизнинг айрим граждандаридан, коммунист ва ишчи партиялардан, чет мамлакатлардаги сиёсий, касба соҳа ва жамоат арбоблари, олимлар ва бошқа кишилардан олинган самимий табриклар ва қизғин қутловлар тикчилик ва бутун инсониятнинг тараққиёт манфаатлари йўлида космик фазони ўлаштиришида Совет Социалистик Республикалари Иттифонининг эришган буюк муваффақиятлари эътироф этилганлигидан яна бир марта далолат бериб турибди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети барча давлатларга, шунингдек партия, касба соҳа ва бошқа жамоат ташкилотларига, мамлакатимиздаги ва чет мамлакатлардаги барча граждандарга табрикларни ва совет халқига яхши истаклар билдирганликлари учун самимий миннатдорчилик изҳор қилаётган.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Сирдарё области, Киров район пахтакорлари ҳозирги долзарб кунларнинг бирор дақиқасини ҳам беҳуда ўтказмаслик учун гайрат билан ишламоқдалар. Тупроғи тобига нелган, экиш-олди ишлари сифатли ўтказилган карталарда агрегатлар гурилламоқда. Чигит тупроққа квадрат-уялаб ташланмоқда.

Биз район партия комитетининг секретари агроном ўртоқ Кушербой Исоқовни «Октябрь 30 йиллиги» совхозининг Мадина Канаева бошлиқ бригадаси даласида учратдим. Бригада коллективининг кувончи чекмас. Ахир, кунини ордини беэзаган, зарбдор тракторчи Петр Дининг меҳнати «Меҳнатда ўрпақ нурсатганига учун» медали билан таъдирланган бўлса-ю, улар кувонимай қим кувонсин!

Экинчи биринчи бўлиб Петр Дини бошб берсин, деб таъриф қилиб қолдим. Бу, мохир механизаторга бўлган ишрчи ва хур-

БАРВАҚТ ЭККАН ЮТАДИ

Мат белгиси эди. Контроль текшириш яхши соналган селла уруғни уяларга белгиланган миқдорда ва нормал чуқурликда ташлаётганини кўрсатди. Диндан кейин эса унинг мусобақадoshi Иван Савдининг агрегати бўрсиллаб турган тупроқ бағрига уруғ ташлай бошлади...

— Дала шийони қалай? — сўрайдди секретарь бригада бошлигиндан.

— Аллачонлар жиҳозлаганими, — дейди Мадина, — ҳадемай уни колхозчиларнинг ҳақиқий оромгоҳига айлантираман.

Шундан кейин бригадир коллектив аъзолари ўртасида бутун мавсум давомида оlib бориладиган оммавий-сиёсий ишлар ҳақида гап-лашиб берди. Коммунист, область партия комитетининг аъзоси Мадина Канаеванинги ўзи мохир пропагандист ва агитатор. Дала ишлари қизғин дақиқаларда ҳам у бригада аъзолари орасида партия ва ҳукуматимизнинг муҳим қарор ва нурсатмаларини тўғрисида суҳбат ўтказишга, ҳўналини олдида турган дилдорлар вазириларни бақаришга даъват этишга вақт топилди...

Секретарь совхозининг Лазар Михайлиди бошлиқ бригадаси томон йўл олди. У анча олисдан ортирадаги картада тракторчи реуляцион маршёр изидан юргизмаётганини сезиб қолди. Шу агрегат билан чигит тинилган қатор оралари ўчаб қўрилганда, уялар ораси белгилангандан 10 сантиметр нелганлиги маълум бўлди. Масъулликсизликдан хижолат торган тракторчи Христарфор Пек...

рди шу дақиқадан бошлаб тракторчи маршёр чизигидан юргиза бошлади...

«Партия XX съезди» совхозининг директори Нолдосбой Ердалиев Жаҳсилни Ойботиров бригадаси даласида экан. У инженир, таърибали механизатор. Хўжалик раҳбари экиш агрегати ишини диққат билан кўзатар, баъзан агрегатларни тўхтатиб, ўз қули билан айрим қисмларни созларди.

— Мана энди аниқ квадратлар ҳосил қилиняпти, — деди директор мамун ҳолда.

Бригадир гапга аралашди:

— Кейинги ишлар ҳам шунга боғлиқ-да. Механизаторларимиз қатор ораларини икки томонлама ишлаш, ҳосилни «зангори кема»...

ларда териб олиш учун ҳозирдан енг шимаришяпти.

Хўжалик ҳисоби асосида ишланган бу бригаданинги ўтган йили бир центнер пахта етиштиришга 17 сўм пул сарфлаб, улгурчи даромад қилган пахтакорлари бу йил пахта таннархини янада арзонлаштириб, ҳосилдорлигини гектар бошига 2 центнер оширишга аҳд қилганлар.

...Халигина меҳнат тўлкини мавиланаятган далаларга тун ал-лақларон пардасини ёлган. Аммо, далаларда тракторлар сурони ҳаром тиммасди. Яхлит карталарда гуриллаётган тракторларнинг кўз қамаштирувчи чироклари оқшом пардасини ёриб, эртага тонгданон иш бошлаб, поёнсиз карталарга квадрат-уялаб чигит ташлашга шў турган 336 экиш агрегатида ер ҳозирлади. Ҳа, район хўжаликчилари далаларида меҳнат симфонияси тинмай жарангламоқда.

Д. ОСТРИЦКИЙ.

Монголия партия-хукумат делегацияси Москвада

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленумининг қарорига мувофиқ қўйидаги қарорларни қабул қилди

БУГДОЙ ВА ЖАВДАР ЕТИШТИРИШНИ ҲАМДА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШДАН КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИНИНГ МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бугдой ва жавдар етиштиришнинг ҳамда давлатга сотишни кўпайтиришдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида СССР Министрлар Совети колхозлар, совхозлар ва бошқа хўжаликлар томонидан давлатга сотиладиган бугдой ва жавдарнинг харид нархларини 1965 йил 1 майдан бошлаб оширишга ва қўйидаги миқдорларда белгилаб қўйишга қарор қилди:

(Ассосий қондициядаги доимий ҳар тонааси учун сўм ҳисобида)

Харид нархлари

Совхозлар ва бошқа хўжаликлар учун бугдой жавдар	Совхозлар ва бошқа хўжаликлар учун бугдой жавдар	Совхозлар ва бошқа хўжаликлар учун бугдой жавдар	Совхозлар ва бошқа хўжаликлар учун бугдой жавдар
86	81	59	63
130	130	130	130
76	76	45	45
80	80	65	60
85	80	65	60
90	85	90	85

Иттифодкор республикаларнинг Министрлар Советларига бугдой ва жавдарнинг зоналар бўйича табақалаштирилган харид нархларини белгилаб чиқиш ва шу нархларнинг СССР Госплани билан келишиб туриб тасдиқлаш вазифасини таъин қилди.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа хўжаликлар бугдой, жавдар ва

Марказ ва Волга-Вятка районларидаги областларнинг, Калининград ва Пермь областларининг ҳамда Удмуртия АССР, Белоруссия ССР, Литва ССР, Латвия ССР, Эстония ССР ва Украина ССР Полесье районларининг колхозлари, совхозлари ва бошқа хў-

жаликлари учун 1965 йил 1 майдан бошлаб арпа (ем) ва сулуниинг харид нархлари оширилади ҳамда арпаaning ассосий қондицияли ҳар тонааси учун 90 сўм миқдорда ва сулунига 75 сўм миқдорда қилиб бир хилда харид нархлари жорий этилади.

ШОЛИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети 1965 йил ҳосилдан бошлаб колхоз ва совхозлар ҳамда бошқа хўжаликлар сотиладиган ассосий қондициядаги шолнинг ҳар тонаасига 300 сўм миқдорда харид нархи белгилади.

Хўжаликда (бўлим, бригада, зевеода) сўнги 4-5 йил ичида олган ўртача ҳосилдорликка нисбатан шолдан юқориқоқ ҳосил олганлик учун шу экинни етиштириш соҳасидаги ишларда банд бўлган колхозчиларга ва совхоз ишчиларига (ишларнинг механизациялаш даражасига, биринчилик ер участкасининг майдонига ва ҳолатига, олган ҳосилга ва бошқа шароитларга қараб) ана шу йиллар мобайнида ўртача йилдак янги ҳосилда ташқари йилда иштириладиган шолнинг 25 процентдан 50 процентига гана бўлган қисмини қўшимча ҳақ тариқасида бериш колхозларга тавсия этилади ҳамда шундай қўшимча ҳақ бўлган совхоз директорларига ружаат берилади.

Сўнги 4-5 йил мобайнида хар гектардан 40 центнердан ортиқ шолни ҳосил олган хўжаликларда (бўлимлар, бригадалар, зевеолар) гектар бошига 40 центнердан ортиқ йилда иштириб олган шолнинг 25 процентдан 50 процентига миқдорда колхозчиларга ва совхоз ишчиларига қўшимча ҳақ тариқасида бериш колхозларга тавсия этилади ҳамда шундай қўшимча ҳақ бўлган совхоз директорларига ружаат берилади.

Колхозлар ва совхоз ишчиларининг истагига қўра қўшимча ҳақ уяларга тегишли шолнинг ҳарид нархи ассосиял қиммати миқдорда тўла равишда пул билан тўланиши мумкин.

Совхозларнинг, дон қабул қи-

ГРЕЧИХА ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг гречиҳа ермасига эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳамда гречиҳа етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун СССР Министрлар Совети, РСФСР Министрлар Советига, Украина ССР Министрлар Советига ва Белоруссия ССР Министрлар Советига гречиҳа экиладиган майдонларни кенгайтириш, гречиҳа ҳосилдорлигини ошириш ва шу экиннинг донини давлат йўли билан харид қилиш тавсияларини йилда йилга бақарилишини таъминлаш чораларини кўриш вазифасини юк-

1965 йил ҳосилдан бошлаб колхозлар, совхозлар ва бошқа хўжаликлар учун ассосий қондициядаги гречиҳа донининг ҳар тонаасига 300 сўм миқдорда харид нархи белгилаб қўйилди.

Хўжаликда сўнги 4-5 йил мобайнида хар гектар ердан олган

Ҳақнинг донини тайёрлаш давлат планларининг бақарилишини таъминлаш чораларини кўриш вазифасини юклади.

(Охири иккинчи бетда).

ВИЗИТ ТУГАЛЛАНДИ

Совет ҳукуматининг таърифига бинояй расмий визит бўлиб мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Покистон президенти фельдмаршал Муҳаммад Айюбхон кечки ишайида кичик Тошкентдан баташга жўнаб кетди.

Покистон, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан беэзатланган Тошкент аэропортида хурматли меҳмонни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. С. Полянский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова, Республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов ва бошқа расмий ишчилар, шунингдек Покистоннинг Совет Иттифонидagi аълими Нибор Атхар кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

